


№505, 18-март, 2022 й.



COVID-19 га қарши вакциналарнинг
ишланмалари бўйича

ДАЙЖЕСТ

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги
Илмий-техник ахборот маркази

Тошкент-2022

Жаҳонда пандемия билан боғлиқ вазият

2021 й. 17-март ҳолатига кўра

Умумий зарарланганлар сони	-	463 691 228	(+ 1 854 393)
Соғайганлар сони	-	396 411 903	(+ 1 505 692)
Вафот этганлар сони	-	6 080 507	(+ 5 578)

Мамлакатлар бўйича беморлар сони


	АҚШ	-	81 289 602	(+ 30 508)
	Ҳиндистон	-	43 001 477	(+ 2 539)
	Бразилия	-	29 478 039	(+ 45 765)
	Франция	-	23 758 447	(+ 108 832)
	Буюк Британия	-	19 911 155	(+ 91 345)
	Россия	-	17 843 545	(+ 275 807)
	Германия	-	17 449 438	(+ 36 519)
	Туркия	-	14 623 028	(+ 22 345)
	Италия	-	13 563 466	(+ 72 568)
	Ўзбекистон	-	237 414	(+ 30)

Манба: <https://www.worldometers.info/coronavirus/>




Жаҳонда пандемия билан боғлиқ вазият

2021 й. 17-март ҳолатига кўра



Февраль 2022-йил



Март 2022-йил



Ўзбекистонда COVID-19 қарши вакцинация бўйича ҳисобот

2021 й. 16-март ҳолатига кўра

Ҳудудлар	Жами эмланганлар сони	Бир кунда эмланганлар сони
Қорақалпоғистон Республикаси	2 350 505	6 528
Андижон вилояти	4 714 639	11 134
Бухоро вилояти	2 613 712	13 252
Жиззах вилояти	1 645 093	4 361
Қашқадарё вилояти	3 835 315	11 080
Навоий вилояти	1 476 250	2 728
Наманган вилояти	4 279 142	11 433
Самарқанд вилояти	5 543 564	10 427
Сурхондарё вилояти	3 733 879	8 201
Сирдарё вилояти	1 065 495	2 832
Тошкент вилояти	4 503 045	12 663
Фарғона вилояти	5 061 364	8 277
Хоразм вилояти	2 799 698	9 145
Тошкент ш.	3 737 013	13 978
Жами	47 358 714	126 039

Манба: ССВ матбуот котиби // <https://t.me/ssvmatbuotkotibi>





Ўзбекистон ва Туркия ўзаро эмлаш сертификатларини тан олади

Санитария-эпидемиология назорати ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш хизмати хабарига кўра, Ўзбекистон ва Туркия ҳукуматлари коронавирусга қарши кураш бўйича муҳим келишувга эришди. Эндиликда томонлар расмий COVID-19 эмлаш сертификатини ўзаро тан олишади [3].



Шунингдек, шартнома асосида эмлаш сертификати фуқароларга давлат ҳудудига чекловларсиз кириш ҳуқуқини беради [4].

Барча дозаларда эмланган Ўзбекистон фуқаролари Туркияга, Туркия фуқаролари эса Ўзбекистонга киришлари мумкин. Фақат фуқаролар миллий даражада ёки ЖССТ томонидан тасдиқланган вакциналарни тўлиқ олишлари керак [5].

Ўзбекистон Covid-19 га қарши 201 минг дозадан ортиқ AstraZeneca вакцинасини олди

Япония Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами сифатида 201 минг дозадан ортиқ AstraZeneca вакцинасини тақдим қилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, катта ёшли аҳолининг 73,9 фоизи эмлашнинг тўлиқ курсини тугатган. 17 март куни Ўзбекистонга Япониядан инсонпарварлик ёрдами сифатида 201,6 минг доза AstraZeneca вакцинаси келтирилди, деб хабар қилди Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

Ўзбекистон томонидан бепул олинган ёки сотиб олинган вакциналарнинг умумий дозалари сони 61,47 миллионга етди. Бу рақам 41,9 миллион доза ZF-UZ-VAC2001, 8,5 миллион дозадан ортиқ Moderna, 4,6 миллион доза Pfizer/BioNTech, 2,6 миллион доза AstraZeneca, 1,9 миллион дозадан ортиқ Sinovac, 1,3 миллион доза Спутник V ва 343 минг доза light ўз ичига олади [5].



Бугунги кунга қадар иммунизация жараёнида 47,3 миллион дозадан фойдаланилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, катта ёшли аҳолининг 73,9 фоизи эмлашнинг тўлиқ курсини тугатган (жами 21,5 миллион киши эмланиши керак), 92,2 фоизи камида битта дозани олган.



Pfizer коронавирусга қарши вакцинанинг тўртинчи дозаси зарурлигини маълум қилди



Pfizer бош директори Алберт Бурланинг таъкидлашича, компания ҳозирда озиқ-овқат ва фармацевтика идорасига COVID-19 вакцинасининг тўртинчи дозаси зарурлиги тўғрисида маълумотларни тақдим этмоқда [6]. «AZERTAK» хабарига кўра, Бурла шерик компания BioNTech ҳамкорлигида ишлаб чиқараётган вакцина

ҳали ҳам оғир касалликлардан ҳимоя қилишини таъкидлади, бироқ улар инфекцияни олдини олиш учун яна бир кучайтирувчи доза керак, деб ҳисобламоқдалар.

АҚШнинг «Face the Nation» телекўрсатувига берган интервьюсида Бурла шундай деди: Ҳозирда, кўриб турганимиздек, тўртинчи кучайтирувчи доза керак. Учинчидан ҳимоя қилиш етарли даражада яхши. Аммо сизга инфекция юқмаслиги учун яна бир доза керак бўлади.

«Биз барча мавжуд маълумотларни йиғиш ва баҳолашни давом эттирамыз ҳамда вирус ривожланиши билан COVID-19 эмлаш стратегиясини ишлаб чиқишда ёрдам бериш учун тартибга солувчилар ва соғлиқни сақлаш органлари билан очиқ мулоқотни давом эттирамыз». Бурла аввалроқ компаниянинг тадқиқотини «тўртинчи дозага бўлган эҳтиёж ҳақидаги муҳим маълумотлар тўплами» деб таърифлаган эди.

Ўтган ой Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказлари томонидан эълон қилинган умумий маълумотлар COVID-19 га қарши вакцина самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатди [7].

Тўрт-беш ой олдин мРНК вакциналаридан бирининг учинчи дозасини олганлар орасида фавқулдда ёрдам хонасига ташрифлар 66 фоизга камайди. Вакцина ушбу гуруҳда COVID-19 га қарши 78 фоиз самарали бўлган. Бурланинг сўзларига кўра, компания тўртинчи вакцинага қўшимча равишда камида бир йил давомида барча вариантлардан, жумладан, омикрон вариантдан ҳимоя қиладиган янги препарат жорий қилишга ҳаракат қилмоқда [8].

1. Reported Cases and Deaths by Country, Territory, or Conveyance // <https://www.worldometers.info/coronavirus/> (17.03.2022)
2. Özbek ve Türk vatandaşları Kovid-19 aşı sertifikasıyla karşılıklı seyahat edebilecek // <https://www.trtavaz.com.tr/haber/tur/avasyadan/ozbek-ve-turk-vatandaslari-kovid-19-asi-sertifikasiyla-karsilikli-seyahat-edebil/6230332f01a30a2fb49c182a> (17.03.2022)
3. Узбекистан и Турция признали взаимные сертификаты о прививках // <https://uzreport.news/society/uzbekistan-i-turtsiya-priznali-vzaimnie-sertifikati-o-privivkah> (17.03.2022)
4. Uzbekistan, Turkey conclude an agreement on mutual recognition of vaccination certificates // <https://kun.uz/en/news/2022/03/15/uzbekistan-turkey-conclude-an-agreement-on-mutual-recognition-of-vaccination-certificates> (17.03.2022)
5. 17го марта в Узбекистан прибыла партия вакцины от COVID-19 // <https://www.gazeta.uz/ru/2022/03/17/astrazeneca/> (17.03.2022)
6. Эффективность четвертой дозы // https://azertag.az/ru/xeber/Kompaniya_Pfizer_zayavila_o_neobhodimosti_chetvertoi_dozy_vakciny_protiv_koronavirusa-2056898 (17.03.2022)
7. Глава Pfizer заявил о необходимости четырех бустерных прививок для защиты от COVID-19 // <https://remedium.ru/news/pfizer-obosnoval-neobkhodimost/> (17.03.2022)
8. Pfizer обосновал необходимость введения четырех доз вакцины // <https://plus-one.ru/news/2022/03/14/glava-pfizer-zayavil-o-neobhodimosti-chetyreh-busternyh-privivok-dlya-zashchity-ot-covid-19> (17.03.2022)



Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги
Илмий-техник ахборот маркази

Тошкент-2022